

# Қудук туби зонасига кислотали ишлов беришда насос - компрессор қувурларини коррозиядан ҳимоялаш

Обид Олимович Тожиев

Бухоро мухандислик-технология институти

Абдуллазиз Абдуллоевич Набиев

Бухоро нефт ва газ саноати қасб-хунар колледжи

**Аннотация:** Мақолада қудукка кислотали ишлов бериш жараёни, кислотали ишлов бериш жараёнида керакли кимёвий реагентлар ҳақида айтилади.

**Калит сўзлар:** қудук, кислота, қатлам, химик, механик, термик, физик

## Corrosion protection of pump-compressor pipes during acid treatment of the well bottom zone

Obid Olimovich Tojiev

Bukhara Engineering-Technological Institute

Abdullaziz Abdulloevich Nabiev

Bukhara Oil and Gas Industry Vocational College

**Abstract:** The article describes the well acid treatment process, the chemical reagents required in the acid treatment process.

**Keywords:** well, acid, layer, chemical, mechanical, thermal, physical

Қудукқа туз кислотали ишлов бериш усули дастлаб фақат карбонат тоғ жинсларидан тузилган коллекторли конларда қўлланилган бўлса, кейинчалик уни қўллаш кенгайди.

а) карбонат тоғ жинсларидан ва таркибида карбонат бўлган қумтоши бўлган коллекторли конларда қудук дебитини ошириш мақсадида ишлов бериш.

б) ҳайдовчи қудукларнинг қабул килувчанлигини ошириш мақсадида қудук туби атрофига кислотали ишлов бериш .

в) туз қатламларини эритиш мақсадида ишлов бериш.

г) парафин-смола қолдикларини ғоваклардан тозалаш учун термоқислотали ишлов бериш.

Туз кислотали ишлов бериш усули туз кислотасининг карбонат тоғ жинсларини эритишига асосланган. Бу реаксия қўйидаги тарзда кечади.

А) оқактош учун  $2\text{XCl} + \text{CaCO}_3 = \text{CaCl}_2 + \text{H}_2\text{O} + \text{CO}_2$

Б) доломит учун  $4\text{XCl} + \text{CaMg}(\text{CO}_3)_2 = \text{CaCl}_2 + \text{MgCl}_2 + 2\text{H}_2\text{O} + 2\text{CO}_2$

Реаксия натижасида ҳосил бўлган  $\text{CaCl}_2$  ва  $\text{MgCl}_2$  сувда яхши эрийди ва қудукдан чиқариш осон кечади. Хозирги вактда кислотали ишлов беришнинг қуидаги турлари мавжуд:

- 1) кислотали ванна;
- 2) оддий кислотали ишлов бериш;
- 3) босим остида кислотали ишлов бериш;
- 4) иссиқлик кимёвий ва иссик кислотали ишлов бериш;

Кислотали ванна усулида ишлов беришдан мақсад қудук туби атрофини ифлословчи модда (семент ёки лойли кобиклар ва каррозия махсулотлари)дан тозалашдир. Кислотали ванна усули бошқа усуллардан фарки шўқи, кислота эритмаси махсулдор қатлам калинлиги бўйича олиниб, унда босим билан таъсир килинмайди.

Оддий кислотали ишлов бериш усули энг кўп тарқалган усуллардан биридир. Қудук туби атрофига кислотани бостириш йўли билан ғовакликларни тозалаш учун мўлжалланган бўлиб, уни бостириш битта насос агрегати ёрдамида амалга оширилади. Оддий ишлов бериш усулида ишлов бериш учун  $20-35 \text{ m}^3$  кислота эритмаси керак бўлади.

Босим остида кислотали ишлов бериш усули оддий усулдан фарки, катта босим остида ( $200,250,300 \text{ kgs/cm}^2$ ) ишлов берилишидадир.

Ишлов бериш самараси кислота концентрасияси, унинг миқдори, босими, ҳарорати, тоғ жинси тавсифи ва бошқаларга боғлиқдир.

Қудук туби атрофига 8-15 % концентрасияли туз кислотали эритма билан ишлов бериш самарали ҳисобланади. Юқори концентрасияли туз кислота эритмаси билан ишлов бериш натижасида қудук жихозларининг мустахкамлигига таъсир қилиб уларни тезда ишдан чиқишига олиб келади. Гипс билан реаксияга кириши ғовакликларда колдиклар ҳосил қиласди. Паст концентрасияли туз кислота эритмалари ёрдамида ишлов беришда кислота эритмаси миқдорини қўпроқ олишга ва реаксия натижаларини чиқариб олишда кийинчиликлар тугдиради. 1 м калинликка ишлов бериш учун  $0,4-1,5 \text{ m}^3$  хажмда концентрасияси 8-15% бўлган кислота эритмаси керак бўлади.

Кам ўтказувчан коллекторлардан тузилган қатламга ва паст дебитли қудуқка ишлов беришда  $0,4-0,6 \text{ m}^3$  хажмда кислота эритмаси ишлатилади. Юқори ўтказувчан қатламлар учун  $0,8-1 \text{ m}^3$  хажмда кислота эритмаси қўлланилади. Юқори ўтказувчан тоғ жинсларидан тузилган ва бошланғич дебити юқори булган қудуқлар учун  $1-1,5 \text{ m}^3$  хажмда кислота эритмаси қўлланилади.

Қатlam босими кичик бўлган қудуқларда 10-12% ли туз кислотали эритмаси билан ишлов бериш керак бўлади. Юқори босимли қудуқларда 12-15% ли туз кислотаси билан ишлов берилса яхширок натижа беради. 8% ли кислота эритмаси билан карбонатли қум тошлардан тузилган қатламларга ишлов бериш учун қўлланилади.

*Кислотали ишлов бериши жараёнида керакли кимёвий реагентлар*

Қудуқ тубига ишлов беришда қўлланиладиган туз кислотаси қудуқ жихозларини эмиради. Бунинг олдини олиш учун ингибиторлар қўшилади. Ингибитор сифатида формалиндан фойдаланилади. Бир тонна кислота эритмасига 6 кг формалин қўшилса, эритманинг каррозион активлигини 7-8 марта камайтиради.

Энг кўп тарқалган ингибитор - уникол ПБ-5 - қўнгир ранг суюқлик бўлиб, 0,25-0,5% гача уникол қўшилса, каррозион активлигини 31-42 мартагача камайтиради. Уникол туз кислотасида тўлик эрийди, лекин сувда эримайди. Шунинг учун реаксиядан кейин кислота эритмаси СаСл ва МгСл га айланганда ундан колдик колади, бу унинг камчилигидир. Шунинг учун уни жуда кам миқдорда 0,1% қўшилади ва бу каррозион активлигини 15 мартагача камайтиради.

Юқорида кўрсатилган ингибиторлардан ташқари И-И-А ва уратропин аралашмаси ва УФЕ<sub>8</sub> лардан фойдаланилади. Ишлов беришнинг самарасини оишриш учун интенсифиқаторлар яъни сирт фаол моддалар қўшилади. ОП-10, УФЕ<sub>8</sub>, карбозалин О, катапин ва катамин каби сирт фаол моддалар қўшилганда кислотанинг карбонатлар билан реаксияси 3 марта камаяди.

Туз кислотаси заводда юқори концентрасияда ишлаб чиқарилади. Уни бу ҳолатда қўллаш кийин, уни қўллашдан олдин керакли концентрасиягача сув билан аралаштирилади.

Туз кислотасининг 4 хил тури ишлаб чиқарилади:

- а) Сентитик техник туз кислотаси;
- б) Техник туз кислотаси;
- в) Органик келиб чиқишли обгазлардан тайёрланган туз кислотаси
- г) Заводни ўзида ингибирланган туз кислотаси;

Қудуқка туз кислотали ишлов беришда кислота эритмаси марказий кислота базасида ёки ишлов берилаётган қудуқ атрофида тайёрланади. Бунинг учун жадвалда кўрсатилган сув миқдоридан умумий қўшилувчилар ўқус кислотаси ва агар керак бўлса, фтор кислотаси миқдорлари йигиндисини айриб ўлчов идишига куйилади. Кейин кўрсатма бўйича хисоблаб чиқилган кислота миқдори сувнинг устидан идишга солинади ва яхшилаб аралаштирилади. Зичлиги бўйича эритма концентрасияси текширилади ва агар сув кам бўлса - сув, кислота кам бўлса - кислота қўшилади. Кейин эритмага

БаСл қўшилиб, у аралашиб кетгунга кадар аралаштирилади. Аралаштирилиб бўлгандан кейин 5 минут ўтказиб интенсифақатор қўшилади ва эритма яна аралаштирилади. Эритма тўлиқ оқаргунча 2-3 соат тинч қолдирилади ва шундан кейин эритма ишлов беришга тайёр бўлади.

Ҳайдаш жарёнини 3 босқичга бўлиш мумкин: олдин нефт ҳайдаш, кейин эритма ҳайдаш ва қатlamга бостириш. Туз кислотали ишлов бериш тархи расмда келтирилган. Қудуққа кислота бостирилгандан сўнг бир неча соат тинч ҳолатда қолдирилади. Босимга қараб кислотани ушлаб туришвакти қуйидаги жадвалда келтирилган. жадвалда келтирилган.

Жадвал-1

Босим		Ушлаш вакти, соатда
Мн/м <sup>2</sup>	Кг/см <sup>2</sup>	
0,7 ача	7 гача	3-6
0,7-11,0гача	7-10 гача	12-24
2,0-6,0 гача	20-60гача	30

*Қудуққа кислотали ишлов беришда ишлатиладиган техника ва жиҳозлар*

Қудук маҳсулдорлигини ошириш учун қудук туби зонасига таъсир этиш усуслари мавжуд бўлиб, улар орасида кислотали ишлов бериш усули кенг қўлланилади. Асосан оҳактошли тоғ жинслари учун қатlam ва қудук туби атрофи зонаси ўтказувчанлигини ошириш мақсадида ҲСИ (водородхлорид), ҲФ (водородфторид) кислоталаридан фойдаланилади. Яъни ушбу кислоталар маҳсулдор қатlamга ҳайдалганда қуйидагича кимёвий реакция кечади.



Формуладан кўриниб турибдики, оҳактошли тоғ жинси билан водород хлорид кислотаси реакцияга киришгандан сўнг туз, сув ва газ реакция маҳсулотлари сифатида қатlamда ҳосил бўлади. Яъни кислотали ишлов бериш усулини қўллагандан сўнг қудук маҳсулдорлиги ва тоғ жинсларининг ўтказувчанлиги ошади. Кислотали ишлов бериш жараёнида кислотали қоришма қудукдан насос компрессор қувурлари орқали қатlamга ҳайдалади. Шуни таъкидлаш керакки кислотали қоришма коррозион фаол модда саналади. Яъни насос-компрессор қувурлари орқали ҳайдалган кислотали қоришма ушбу қувурлардан ўтиш жараёнида уларни коррозияга учратади ва емиради. Натижада насос-компрессор қувурларининг емирилиши кузатилади, шунингдек қувурларнинг емирилишидан сўнг ҳосил бўладиган темир оксиди қатlamning ўтказувчанлик қобилиятини ёмонлаштиради.

Юқоридагиларни инобатга олиб кислотали қоришманинг коррозияга активлигини пасайтириш мақсадида коррозияга қарши ингибиторлар ва темир оксидларининг қатlamга тушишига йўл қўймаслик мақсадида кимёвий

интенсификатор бирикмалар қўлланилади. Шуни таъкидлаш керакки коррозияга қарши ингибиторни жуда кичик дозада қўшиш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Тураева Хабиба Тошбобоевна, & Тиллаева Шахноза Фахритдиновна (2017). Изучение методов осушки и очистки газов растворами гликолов. Вопросы науки и образования, (3 (4)), 27-29.
2. Сафаров Бахри Жумаевич, Атауллаев Шерзод Набиуллаевич, Хамраев Шохзод Мехриддинович, & Тиллаева Шахноза Фахриддиновна (2017). Рентгеноструктурный метод определения н-парафинов в тяжёлых нефтях. Вопросы науки и образования, (5 (6)), 48-50.
3. Тиллаева Шахноза Фахриддиновна, Ишкобилова Жамила Сапармаматовна, & Тураева Хабиба Тошбобоевна (2017). Технология обезвоживания и обессоливания нефти. Вопросы науки и образования, (5 (6)), 29-30.
4. Бабаев Фаррух Файзуллаевич, & Тиллаева Шахноза Фахритдиновна (2022). ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ БИОГАЗА ПУТЕМ ПЕРЕРАБОТКИ ОТХОДОВ, ВЫБРАСЫВАЕМЫХ ИЗ ГОРОДСКИХ КАНАЛИЗАЦИЙ. Universum: технические науки, (4-10 (97)), 22-24.
5. Ш.Ф.Тиллаева, & М.О.Сатторов (2022). Исследование влияния модифицированных добавок для катализаторов на качество нефтепродуктов. Science and Education, 3 (3), 264-269.
6. Nazira G'afurovna Umarova, Shaxnoza Faxritdinovna Tilloyeva. Gazlarning namligi va ularni seolitlar bilan qurutish usuli. Science and Education 3 (12), 330-334.2022
7. Shaxnoza Faxritdinovna Tilloyeva, & Qahramon Qandiyorovich Sharipov (2022). Mineral adsorbentlar-seolitlarning yutuvchanlik xususiyatlari tadqiqoti. Science and Education, 3 (10), 183-188.2022.
8. Tilloyeva Sh.F. (2022). "Inson qadrini ulug'lash va faol mahalla yili"ga bag'ishlangan professor-o'qituvchilar, ilmiy izlanuvchilar, magistrlar va talabalarning ilmiy-amaliy anjumani TEZISLAR TO'PLAM 2022/5/27 27b.
9. МЖ Махмудов, ШФ Тиллаева - ГИДРОИЗОМЕРИЗАЦИЯ БЕНЗОЛСОДЕРЖАЩЕЙ ФРАКЦИИ В ПРИСУТСТВИИ КАТАЛИЗАТОРА Ni/Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub> С ЦЕЛЬЮ ДОВЕДЕНИЯ БЕНЗИНА ДО НОРМ ЕВРО-5. Теория и практика современной науки, 2019 (3) 175-180.
10. Шахноза Фахритдиновна Тиллоева (2023). Способы извлечения этилмеркаптана из сероорганических соединений в газовом конденсате. Science and Education, 4 (1), 342-346.

11. Тиллоева, Ш. Ф., & Умарова, Н. Ф. (2023). Газконденсат таркибидаги олтингугурт органик бирикмаларни ажратиб олиш усууллари. *Science and Education*, 4(2), 755-762.
12. Ш.Ф.Тиллоева,Х.Ф Тиллоева. (2023).Газни водород суlfид ва углерод оксидан тозалаш.INTERNATIONAL CONFERENCES 1(1),837-839.
13. Sh.F.Tilloyeva,K.K.Sharipov (2023).METHODS OF EXTRACTION OF ETHYL MERCAPTAN FROM ORGANOSULFUR COMPOUNDS IN GAS CONDENSATE. INTERNATIONAL CONFERENCES. 1(1),655-660.